Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 28 май Чоршанба.
№ 41 (14433)

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МУҚАДДАС

**Яқинда Ўзбекистон Президенти И. Каримов республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунослар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди. Учрашувда халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш, қабул қилинаётган янги қонунларни аҳолининг кенг қатламига яна чуқурроқ етказиш билан боғлиқ масалалар устида сўз борди. Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш-демократик ислоҳотларнинг муҳим шарти эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.**

*Муносабат*

Мустақил Демократик жамият қурилаётган мамлакатимизда инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишига катта аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон 1992 йилдан буён БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир.

Жаҳонда инсон ҳуқуқлари соҳасида 70 стандарт қабул қилинган. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси 1993 йил 31 октябрда инсон ҳуқуқлари бўйича жаҳон конференциясида тасдиқланган тамойилларга содиқлигини намойиш этиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси БМТ котибиятининг 21 асосий пакт ва конвенцияларига қўшилган.

Ўтган 1996 йилнинг сентябр ойида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) «Инсон ҳуқуқлари» бўйича миллий муассасалар мавзуидаги халқаро кенгаш-семинарининг мамлакатимиз пойтахтида ўтказилиши, Республикамизда инсон қадр-қимматига бўлган кафолотнинг юқори босқичига кўтарилишида қўйилган қутлуғ қадамлардан бири бўлди.

Республикамиз мустақилликни қўлга киритганидан сўнг, қисқа вақт ичида ҳукуматимиз томонидан мамлакатда фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қонуний асослар ҳамда ҳуқуқий муассасалар ташкил қилишга катта аҳамият берилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон халқларининг иродаси, руҳи, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. У жаҳон ҳамжамияти томонидан демократик негизлар ва таомилларни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлантиргандир.

Жаҳон андозаларига тўлиқ равишда мос бўлган халқимиз қомусининг 18 моддаси, Ўзбекистон фуқароларининг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, «бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга» эканлигини кафолатлайди.

1996 йил октябр ойида юртбошимизнинг «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини тузиш тўғрисида»ги Фармони ҳам, ватанимизда инсон ҳуқуқи, унинг ҳаёти, шаъни, қадр-қимматига бўлган муносабатнинг муҳимлигидан далолат бермоқда.

Бу марказнинг асосий вазифаси Конституция, Қонун ва Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари қоидаларини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқади.

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида ҳозирги босқичдаги демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим йўналишларига тўхталиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, республикада суд ислоҳотини чуқурлаштириш, одил судловни демократлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий тарбиялашни тубдан яхшилаш сингари муаммолар хусусида ёрқин ғояларни илгари сурган эди.

Ҳозирги кунда Республикамизда инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан Мониторинг ва назоратни таъминловчи идоравий тузилмалар барпо этиш устида иш олиб борилмоқда.

Республикамизда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши, фуқароларимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ижтимоий онгини оширишга бўлган интилишни, мамлакатимизда демократик жараённинг янада кенг қулоч ёйишига олиб борувчи дастурлардан биридир.

Бу қонунда Омбудсманнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили мансабдор шахс бўлиб, унга Республикамизда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишининг самарадорлиги устидан Парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган.

Вакил фуқароларимизнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузган ташкилот, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқади ва ўз текширувини ўтказиш ҳуқуқига эга.

Дунёда фуқаро ва давлат аппарати муносабатларини барқарорлаштириб турадиган ҳамда инсон ҳуқуқлари эркинлигини назорат этадиган турли муассасалар мавжуд. Омбудсман институти ҳам шундай муассасалардан бири бўлиб, қонунчиликни мустаҳкамлашда, ижроия ҳокимиятининг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан кучайтиришда муҳим фактор сифатида хизмат кўрсатади.

Маълумотларга кўра, бундай вакиллик Швецияда пайдо бўлган дейилсада, аслида унинг илдизи араб ҳалифалигига бориб тақалади. Ҳозирда, Омбудсман жаҳоннинг юздан ортиқ давлатларида фаолият кўрсатиб келмоқда. Омбудсман-Парламент доирасидаги вазифа бўлиб, давлат органлари фаолиятини назорат қилишга қаратилган. Омбудсман — ҳокимият ёки бошқарув ва ҳаттоки суд органи ҳам эмас. У ҳуқуқий ҳимоя воситалари ўрнини босмайди, балки, тўлдиради. Шуниси фахрланарлики, ҳозирча Омбудсман хизмати Марказий Осиё давлатлари орасида фақат Ўзбекистонда ташкил қилинганлиги, юртимизда инсон ҳуқуқларига нечоғли тўлақонли равишда эътибор берилаётганлигини чинакам шоҳиди бўлмоқдамиз.

Фуқароларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини чуқур билишларининг дастлабки босқичи қаердан бошланади? Бу албатта билим ўчоғи бўлган мактабдан бўлса керак. Чунки инсон ўзлигини сеза бошлашидан, яшаётган жамиятнинг қонун-қоидалари билан мукаммал танишиб бормоғи лозим. Киши ватан олдидаги бурчи ва ҳуқуқларини тўла идрок этган чоғдагина, ҳеч бир жиноий ишларга қўл урмайди. Агар биз билим ўчоқларида ёшларга ўз ҳуқуқларини тўла англаб етишларини ва уни ҳимоя қилишни ўз вақтида тушунтириб борсак, янги ҳаётга қадам қўяётган ҳар бир фуқаро турмушда ўз ҳуқуқини ҳимоя қила олади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ўз ҳуқуқ ва бурчини тушунган фуқаро демократик давлатнинг юксалишига онгли равишда кечагига қараганда, бугун ўз ҳиссасини кўпроқ қўша олади.

**Илҳом РАҲМОНОВ**

*Кинофестиваль кундалигидан*





## "ОЛТИН ШЕР" СОВРИНДОРИ

XII Халқаро Тошкент кинофестивали ишида қатнашиш учун шаҳримизга италиялик машҳур кинорежиссёр ва ҳужжатли кино устаси Жанфранко Минготти ташриф буюрди.

- Мен Ўрта Осиёга, хусусан Ўзбекистонга келишни кўпдан орзу қилаётган эдим. Мана ниҳоят, мақсадимга эришдим. Тошкент мен ўйлагандан ҳам гўзал шаҳар экан. Бизга нисбатан кўрсатилган самимий қабул учун ўзбек халқига ва кинофестиваль ташкилотчиларига миннатдорчилигимни изҳор қиламан. Келажакда, албатта мамлакатингизга яна келиш ниятим бор,- дейди жаноб Минготти.

Ж.Минготти Римдаги кино мактабини тугатган. Бундан ташқари, юридик фанлар доктори. Шунга қарамай, ҳаёти давомида кўплаб ҳужжатли ва бадиий фильмлар яратган. Римда иккита киностудияси бор. У кино байрамига машҳур итальян актрисаси Орнелла Мути ва таниқли фаранг киноактёри Филипп Нуаре бош ролларни ижро этган "Чумчуқлар қанотидан чиққан шовқин" номли фильмларни олиб келди. Мазкур фильмни фарангистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорликда яратган. Фильм воқеалари ёш қиз ва унга кўнгил қўйган кекса киши ўртасида бўлиб ўтади. Кекса киши ўзининг ҳақиқий севгиси ва самимийлиги билан ёш рақибини енгади ва унинг муҳаббатини қозонади.

Жаноб Минготти мафия ҳақида яратган ҳужжатли фильми учун 1965 йилда Венеция кинофестивалида "Олтин шер" мукофотига сазовор бўлган. Шу кунгача турли мавзуларда 35 та ҳужжатли фильм яратган. Италия овозсиз киносининг ёрқин юлдузи М.Бертиннинг ҳаёти ҳақида яратган ҳужжатли фильми ҳам жуда машҳурдир.

**Б. ШОҲНАЗАРОВ**

26 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга АҚШ Конгресси вакиллар палатасининг даромад ва ҳаражатлар қўмитаси раиси Билл Арчер Америка Қўшма Штатлари миллий рамзи бўлган АҚШ давлат байроғини топширди. Ушбу байроқ шу йил 7 май куни Президентимиз Ислом Каримов шарафига Капитолий биноси устига тикилган эди. Америка парламенти биносига тикиладиган бундай байроқ АҚШ халқининг муқаддас мулки саналади. У американлар удумига кўра, халқ ва ҳукумат олдида буюк хизматлар кўрсатган атоқли давлат арбобларига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон жамоатчилигининг халқаро ва хорижий мамлакатларнинг ноҳукумат ташкилотлари билан маданий-маърифий алоқаларини янада ривожлантириш, ахборот алмашинувини кенгайтириш ва халқ дипломатиясини фаоллаштириш мақсадида "Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида" Фармон қабул қилди.




26 май куни пойтахтдаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида республика ҳукумати ҳамкорлигида Америка- Ўзбекистон савдо палатаси ( АЎСП) ташаббуси билан "Ўзбекистон - Марказий Осиёда хорижий сармояларни жалб этиш маркази" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Бадиий академиясида «Ранго-ранг Ўзбекистон» кўргазмаси очилди. XII Тошкент Халқаро кинофестивалининг бир гуруҳ иштирокчилари унинг биринчи меҳмонлари бўлишди.

## ВАТАН ТУЙҒУСИ

Халқимиз Ватанни - Она деб улуғлайди. Зотан, Ватан дилларга сурур,кўзларга нур бахш этгувчи муқаддас туйғу.

Пойтахтдаги Улуғбек туманида жойлашган 241-мактабда таниқли журналист, "Ватан туйғуси" ("Ўзбекистон" нашриёти) китобининг муаллифи **Нарзулла Жўраев** билан учрашув бўлди.

Мактаб директори **М. Раҳимжонова** Китоб келажакда ўқувчи ва ўқитувчилар учун зарурий қўлланма бўлиб қолажагини таъкидлайди. Тантанали тадбир иштирокчилари китобнинг моҳияти ва тарбиявий аҳамияти тўғрисида сўзлаб бердилар.

Мактаб ўқувчилари Ватан мавзусига бағишланган шеърлардан намуналар ўқишди. Айниқса, **Дилфуза Сайфуллаева** раҳбарлигидаги 6 "А" - синф ўқувчилари жўр овозда куйлаган давлат мадҳияси иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**Муяссар УМИРОВА**

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хабар қилади**

## Афғонистон - Ўзбекистон чегарасидаги вазият тўғрисида

Сўнгги икки кун ичида Афғонистон шимолидаги Ўзбекистонга чегарадош ҳудудда вазият кескинлашди.

Маликхоннинг қуролли гуруҳлари бир неча кун муқаддам А. Дўстумга қарши чиқиб, Фарёб вилоятига кирган ва Шувурғон шаҳрини ўз назоратига олган эди. Кеча, 24 май куни бу гуруҳлар А.Дўстумга бўйсунувчи бўлимлар томонидан қаршиликка учрамай, Мозори Шариф шаҳрини эгаллади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон,Туркманистон ва қисман Тожикистон чегарасига туташ бўлган бутун шимолий ҳудуд Маликхон назорати остида турибди.

Мавжуд маълумотларга қараганда, А. Дўстум Ҳайратондан самолётда номаълум томонга учиб кетган. Ташқи ишлар вазирлиги шуни қатъий маълум қиладики, А. Дўстум Ўзбекистон ҳудудига келган эмас.

Бутун Афғонистон - Ўзбекистон чегараси бўйлаб осойишталик ҳукм сурмоқда. Шу даврда бирор фавқулодда ҳодиса ёки можаро бўлган эмас.

Ўзбекистон чегара хизмати ҳар қандай иғвогарликнинг олдини олиш ва бундай иғвогарликка йўл қўймаслик мақсадида чегарани мустаҳкамлаш чораларини кўрмоқда. Иккала мамлакат қўшни ҳудудларида осойишталикни сақлаш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш юзасидан Афғонистон чегара хизмати билан музокара олиб борилмоқда.

**Тошкент шаҳри
1997 йил 25 май.**

*«Комолот»—ёшлар таянчи*

## МАДИНА—ЗАМИН КУНИ ЭЛЧИСИ

Июн ойининг биринчи ўн кунлигида Жанубий Кореянинг пойтахти Сеул шаҳрида жаҳон ёшларининг анжумани бўлади. Унда иштирок этиш учун Тошкент Давлат техника дорилфунунининг учинчи курс талабаси Мадина Абдусаломовага таклифнома келди. Мадина анжуманда фақат республикамиз вакили сифатидагина эмас, балки Осиё - Тинч океани минтақасидан халқаро Замин куни элчиси сифатида бутун Марказий Осиё номидан иштирок этади. У бу номни Замин кунига бағишлаб шу йил апрел ойида ўтказилган ёшларнинг халқаро экологик фестивалида олган эди.

Мадина Абдусаломова бизнесни бошқариш факултетида таҳсил олмоқда. Маркетинг бўйича бўлажак мутахассиснинг фикрича, ҳозир мамлакатимизда ҳаётнинг барча соҳаларида республикамиз учун мутлақо янги муносабатларни ўзлаштиришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу сабабли, Мадина уч йил муқаддам ўзи учун танлаган касб ҳам табиийдир. Бироқ у ҳар қандай халқ фаровонлигининг асоси ўзи яшаётган заминдир, деб ҳисоблайди. Заминнинг табиий бойликлари битмас-туганмас эҳсон эмас, унга меҳр билан, авайлаб муносабатда бўлмоқ керак. Ҳақиқатан ҳам, ривожланган ва иқтисодий жиҳатдан қудратли давлатни барпо этиш учун барча экология қоидаларига оғишмай риоя қилиш керак. Бундай фикр ва бўлажак касбига меҳрни Мадинага отаси - Муҳаммадамин Абдусаломов сингдирган. У макроиқтисодиёт бўйича мутахассис бўлиб, айни пайтда Орол минтақасини ривожлантиришнинг экологик жиҳатлари бўйича БМТ экспертидир.

Республика ёшларининг»Камолот» жамғармасининг Мадина Абдусаломовани Филиппинда ўтказилган халқаро ёшлар экологик фестивалига республикамиздан вакил қилиб юбориш тўғрисидаги қарори ҳам табиий эди. Унда сайёрамизнинг беш қитъасидан йигит ва қизлар иштирок этди. БМТнинг бир неча бўлинмалари - ЮНЕП / экология масалалари билан шуғулланади/, ЮНДП ва ЮНЕСКО томонидан ташкил этилган мазкур фестивалнинг бир ҳафтага мўлжалланган дастури жуда қизиқарли ва воқеаларга бой эди. Унда турли мамлакатларнинг эколог мутахассислари билан учрашувлар, атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари билан шуғулланувчитаниқли олимлар иштирокида илмий семинарлар кўзда тутилган эди. Фестивалда бир ҳафта давомида жаҳоннинг турли минтақаларида экология тизимларининг ҳолати ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли материаллар қўйилган кўргазма ҳам ишлаб турди.

Орол муаммосига бағишланган стенд фестивал иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Бу стенддаги материал ва фотосуратларни Мадина олиб борган эди. Лекин тошкентлик талаба бевосита кўргазма мавзуси билан боғлиқ бўлмаган жуда кўп саволларга ҳам жавоб беришга мажбур бўлди. У бу суҳбат давомида жаҳонда ҳозирги пайтда Ўзбекистонга, унинг халқи танлаб олган тараққиёт йўлига, республикада ислоҳотлар қандай амалга оширилаётганига қизиқиш қанчалик катта эканига ҳам амин бўлди.

Фестивал танлов асосида якунланди. Танловда асосий эътибор иштирокчиларнинг экологик билим даражаси, улар ўз мамлакатларида мавжуд бўлган ижтимоий-экологик муаммоларни ҳал этиш юзасидан киритган таклифларининг ўзига хослиги ва янгилигини аниқлашга қаратилган эди. Танлов якуни бўйича мазкур фестивал бағишланган халқаро Замин кунининг беш қитъадан беш вакили сайлаб олинди. Танловнинг икки иштирокчиси: Хитой Халқ Республикаси вакили билан ўзбекистонлик талаба Мадина Абдусаломова Осиё - Тинч океани минтақаси элчиси, деган фахрли унвонга сазовор бўлди.

-Бизнинг зиммамизга жуда масъулиятли вазифа юкланган, - дейди Мадина. - Халқаро Замин куни элчилари ўз мамлакатларида ёшларнинг экология ҳаракатини ривожлантиришлари керак. Бу соҳада ҳаракат дастурларини Сеулда ўтадиган жаҳон анжуманида ишлаб чиқамиз. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этишга катта аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда кўп сонли давлат ва жамоат ташкилотларининг саъй-ҳаракати ҳаётимизни экологик жиҳатдан изга солишга қаратилган. Бироқ, назаримда, республиканинг ҳар бир фуқароси атроф муҳитнинг ҳолати учун бўлажак авлодлар олдидаги ўзининг масъулиятини тўла англаб етган тақдирдагина бу иш чиндан ҳам самарали бўлади. Шу сабабли аҳолини, биринчи навбатда ёшларни экологик тарбиялашни ташкил этиш жуда муҳимдир. Бу ишни жаҳоншумул масалалардан эмас, аниқ ишлардан бошлаш керак. Масалан, Тошкент - Марказий Осиёдаги энг йирик шаҳар. Шаҳримиз янада кўркам ва тоза бўлиши учун биз нима қиляпмиз? Пойтахтни кўкаламзорлаштиришнинг кенг миқёсли дастури қабул қилинган. Бир миллион туп дарахт кўчати ўтқазиш назарда тутилган! Мен тенгдошларимга аниқ ишни, яъни ҳар бир кўчатни ўз ҳимоясига олиб, уни авайлаб ўстиришни таклиф қиламан. Бир қанча олий ўқув юртларининг талабалари ҳозирнинг ўзидаёқ таклифимни қўллаб-қувватлашди. Агар бу ишни муваффақиятли амалга оширсак, Тошкентдаги экология вазияти анча яхшиланади. Ҳамфикрларимиз билан биргаликда фақат талабалар орасидагина эмас, мактаблар, болалар боғчаларида ҳам экология илмларини тарғиб этишни уюштирмоқчимиз. Ишончим комилки, ҳар бир дарахт, ҳар бир булоқни авайлаб асраган болагина чинакам ватанпарвар бўлиб камол топади.

**Анна Иванова,
ЎзА мухбири.**

## Ўзбекистон терма командасининг катта ғалабаси

«Пахтакор» Марказий стадиони кўпдан буён Ўзбекистон ва Камбоджа миллий командаларининг учрашуви кунидаги каби гавжум бўлмаган эди. 1998 йилда ўтказиладиган футбол бўйича жаҳон чемпионати бешинчи гуруҳида бу командалар ўртасидаги биринчи саралаш ўйинида стадион ишқибозлар билан тўлди.

Ўйин дастлабки дақиқалардоноқ томошабинларни ҳаяжонга солди. Тўп ўйинга киритилиши биланоқ, ҳужумчиларимиз тўп киритиш учун жуда кўп имкониятга эга бўлса-да, уларнинг кўпчилигидан фойдалана олмадилар. Шунга қарамай, ҳакам ўйин тугаганини билдириб, ҳуштак чалганида ҳисоб командамиз фойдасига 6:О га етган эди. Ўйиннинг биринчи ярмида Николай Шершов, Нўъмон Ҳасанов, Сергей Лебедев ва Андрей Фёдоров дарвозага тўп урган бўлса, иккинчи ярмида С. Лебедев яна бир тўп киритиб, ҳисобни 5:О га етказди. Жаъфар Ирисметов киритган тўп ўйин ҳисобидаги охирги нуқта бўлди.

Бу ғалабадан сўнг Ўзбекистон терма комадаси олти хол билан бешинчи гуруҳда яна иккинчи ўринга чиқиб олди.

Жаҳон чемпионатининг ушбу саралаш ўйини футбол мухлислари учун катта байрамга айланди. Таниқли эстрада қўшиқчилари уларга атаб концерт қўйиб беришди. Кўпгина мухлислар учун спорт лотереяси ҳам бахт келтирди. Лотерея ютуқлари орасида «Тико» автомобили, телевизор ва гиламлар бор эди. Ўзбекистон халқ устаси Рамазон Муҳаммаджонов Ўзбекистон ва Камбоджа миллий терма командаларининг энг яхши ўйинчиларига махсус совринларни топширди. Иккала команданинг энг яхши ўйинчиларига «Нурафшон», «Айсел» фирмалари яхши ўйин учун таъсис этган эсдалик совғалари ва пул мукофотлари ҳам топширилди.

**/ЎзА/**



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 27 майдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қийматини 60 сўм 81 тийин миқдорида белгилади.

